*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 8 январь • сешанба № 1-2 (841-842)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.minjust.uz

**2013 йил — “Обод турмуш йили”**

# 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



*1994 йил 22 январь Ўзбекистон Республикасининг “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди.*

*2008 йил 20 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.*

*2012 йил 31 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори амалга киритилди.*

***Ислом КАРИМОВ:***

***...Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.***

**Муҳаррир минбари**

## Ер юзида уйимиз бор

ДАСТУРХОНИМИЗДА нон бор!.. Дастурхонимизда нон бўлиши биз учун одатий ҳол. Шунга ўрганганмиз.

Ичишга сувимиз бор. Бунга ҳам ўрганганмиз.

Боғларимиз чаппар уриб гуллайди. Мевага ғарқ тўлади. Шундай бўлиши керак, деймиз. Кўникканмиз.

Тоғларимиз баланд, қорли, қировли, гулу чечакли. Бунга ҳам кўникканмиз!

Булоқларимиздан сув отилади. Нима бўпти, булоқ бўлгандан кейин сув отилади-да, дейишингиз ҳам мумкин. Табиий, шундай бўлиши керак, деган фикр шууримизга сингиб кетган.

Дастурхонда нон бўлмаслиги ҳам мумкин...

Бир қултум сув тополмаслигимиз ҳам мумкин.

Бу гап тасаввурингизга сиғмайди-я? Сиғмаганиям яхши! Ахир, дунёда нон-у сувга зор, боғи вайрон, тоғи талқон, булоғи қуриган юртлар йўқми?

Бунга нима дейсиз?

Энди, Худойим бизнинг юртимизга шундай ноз-неъматларни берганда, дейсиз?

Тўғри, Яратган шундай саодатманд ҳаётни беришдан аввал бизга нимани берган? Бу хушҳаётликнинг боиси нимада?

Бари-бари фаровонликларга замин этиб Яратган энг аввало, **тинчлик**, **хотиржамлик**ни бермаганми?

**Тинчлик** бўлмаса, хотиржамлик бўлмаса, кимнинг уйига нур кирибди, кимнинг боғи гуллабди, кимнинг дастурхони неъматга тўлибди, кимнинг томоғидан бир қултум сув ўтибди?!

Нотинч юртнинг буғдойзори шовуллагани, бошидан файз-барака ёғилганини ким кўрибди? Юрти осмонида тутун ўрлаб, бошидан ўқ учаётган одамнинг кулиб турганини ким кўрибди?

Яратган тинчлик ва хотиржамлик уруғини бутун ер юзига тенг сочган. Ундан баҳраманд бўлиши эса фақат инсониятнинг ўзига, феъли-рўйи, хулқ-атвори, виждонига ҳавола. Кимдир буни англайди, кимдир англамайди.

Худога шукр, деймиз. Боғу роғларимиз, дашту далаларимиз, тоғу адирларимиз бағри кут-барака, бойликка тўла! Тинчлик туфайли биз шулардан баҳрамандмиз.

Фарзандларимиз — ўғил-қизимиз, ҳозирги ёшлар буни чуқур англамаслиги, тушунмаслиги мумкин. Майлиєй, англамасин, тушунмасаям майли, чунки, сув қадри сувсизликда, нон қадри оч-наҳорликда билинса, тинчлик-осойишталикни қадрлашимиз учун нотинчликни бошимиздан ўтказиб кўришдан Худонинг ўзи асрасин. Бир кун нотинч юртдан қирқ кунлик барака кўтарилади, дейдику донишманд халқимиз.

Ҳамма-ҳамма яхши ишларимиз, эзгу ўй-ҳавасларимизнинг асосида тинчлик ётибди. Ҳа, тинчлик бунёдкорлик пойдевори. Тинчлик яратувчанлик мезони. Халқимиз тўй қилади — тинчлик! Уй қуради — тинчлик! Боғ яратади — тинчлик! Йўл қуради — тинчлик! Боламиз мактабга боради — тинчлик! Мактабдан келади — тинчлик! Ёшларимиз олий ўқув юртларига бориб ўқишади — тинчлик! Катта-катта шаҳарларимизда тунги сайрларга чиқамиз — тинчлик!

Муқаддас Ватанимиз мустақиллиги байрами арафаси эди. Тунги Тошкент кўчаларида юртимиз меҳмонларидан интервью олаётган ёш мухбирга пойтахтимизга қариндош-уруғини кўргани Доғистондан келган аёл: **“Юртингиз файзли, чиройли, Тошкентда тунда ҳам сайр қилса бўларкан...”** дебди. Ҳалиги ёш мухбир анграйиб қолади. Диктофондан аёлнинг ўша гапини эшиттириб, каминага ажабсиниб қараб турибди. Тўғри-да, нотинчликни бошидан ўтказаётган, тунда ҳаловати йўқ инсоннинг бу гапи туни осойишта, кундузи тинч кечаётган ёшлар учун, албатта, кутилмаган гап бўлади-да.

Яратганимиз она сайёрамиз узра сочган тинчлик уруғидан униб чиқаётган инсониятнинг эзгу ўй ва орзулари тимсолидаги ниҳоллар аллақаерлардадир беаёв топталмоқда. Одам боласи бир-бирини, ҳатто ўзини англаб етмагани оқибатида содир бўлмоқда бу аянчли ҳодиса! Оқибатда ўша жойларда уруш олови гуриллаб ёнаяпти! Дунёдаги кескин ва жадал ўзгариб бораётган вазиятларнинг қалтислашуви, мураккаб жараёнлар вужудга келиб, турли-туман қарама-қаршиликлар пайдо бўлаяпти. Миллатлараро можаролар, айрим жойлардаги этник ва конфессиялараро тафовутлар туфайли содир бўлаётган тўқнашувларнинг авж олиши, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асорати сабаб юзага чиқаётган таҳдид ва хавотирлар, ядровий технологиялар ҳамда оммавий қуролларнинг тарқалиб кетиш хавфи, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, яна турли-туман бало-қазоларга ўчоқ бўлиши мумкин хавф-хатар башарият умумуйи — ер шарини таҳликага солиб турибди. Бундай ҳолатдан эса ҳар қандай ақли-ҳуши жойида бўлган одам хавотирга тушади. Чунки, бугун ер юзининг бир бурчида содир бўлган кескинликнинг маълум маънода унинг бошқа бир ҳудудига ҳам таъсири сезилади. Бугун сайёрамизда тинчликни издан чиқаришнинг турли-туман йўл-йўриқлари, ғаразли манфаатлар оқибати бўлган маҳдуд курашларнинг турли шакллари пайдо бўлаяпти. Бу эса тинчлик деган муқаддас тушунчанинг она заминимизда мустаҳкам илдиз отишига халал бермоқда. Бу ҳолат, албатта, бизнинг минтақамизга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Минтақанинг оловли нуқтаси, уруш ўчоғи бўлиб турган Афғонистондаги ҳозирги вазият ҳар биримизни ҳушёр торттиради. Бу борада Президентимиз бундан анча йиллар олдин ҳали дунё мудраб турган пайтда БМТ минбарида туриб бонг урган эди. Терроризм хавфи чегара билмаслиги, дунё бўйлаб илдиз отиши мумкинлиги, экстремизм, қурол савдоси ва наркотрафикнинг аянчли оқибатлари, Афғонистондаги нотинчлик, кескин вазият нафақат минтақадаги халқлар, балки жаҳон ҳамжамиятига ҳам қутқу солиб турганлиги, бу олов тобора кенгайиб бориши муқаррарлиги ҳақида дунё аҳлини юксак минбардан туриб огоҳ этганди. Буни ўша даврда айрим давлат раҳбарлари эшитиб, эшитмасликка олгандилар. Афғонистон қаерда-ю, биз қаерда, деган беандиша ўй билан бепарво ўтиришганди. Алалоқибат Ўзбекистон Президентининг ўша пайтдаги хавотирли таъкиди замиридаги куюнчакликнинг дунёвий аҳамиятга эга эканлигини аҳли жаҳон ўта сарҳад билмас хавф оёғи остида портлаб, хонадонига ўт кетгач, англаб етдилар. Ўша — 2001 йилнинг 11 сентябрь воқеаси мудроқ дунёнинг кўзини очиб юборди...

Бу гапларни айтишимиздан мақсад не? Муддао не? Муддао ҳам, мақсад ҳам битта — тинчлик ер юзининг тақдири. Ер юзида эса бизнинг ҳам уйимиз бор. Шунинг учун ҳам Президентимиз неча-неча йиллардан бери хоҳ халқаро, хоҳ мамлакатимиз миқёсидаги барча тадбирларда ер юзида, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш, айниқса, Афғонистонда ҳукм сураётган кескин вазият ҳақида бонг уриб келади.

Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳам Президентимиз асосан тинчлик ва барқарорлик, юрт осойишталиги ва хотиржамлиги барча ислоҳотлар ривожининг асоси эканлигини кенг қамровли, ҳаётий мисоллар билан таъкидлаб ўтди. Айниқса, минтақада тинчликни асраш борасидаги энг мақбул усул Юртбошимиз томонидан тўла-тўкис изоҳлаб берилди. Дунё ҳамжамиятига ўрнак бўларли тарзда афғон можароларига чек қўйишнинг энг мақбул йўли ўртага ташланди.

Бугун дунёга назар солинг: бир жойда ўт, бир жойда сув, бир жойда тўполон, бир жойда отишма!.. Манфаатлар, қарашлар, ғоялар тўқнашаяпти. Уларнинг ортидан эса бошқа бир кучлар манфаат топмоқда. Урушнинг янгича, ўзига хос шакл ва шамойиллари пайдо бўлмоқда. Шундай пайтда эса заминдаги ёруғ уйимиз — **Она Ўзбекистонимиз тинч ва обод**, осойишта гуллаб-яшнаши ҳар қайсимизнинг тақдиримиз, ҳаётмамотимиз билан боғлиқ воқеа эканлигини ҳис қилиб яшашимиз керак. Ҳар қайсимиз шу йўлда ҳушёр турсак, сергак ҳолда шу ёруғ кун қадрига етиб, турли хил сафсаталар замирига сингдирилган хуружли, тажовузкор ғояларни англаб яшасак, оқ нима, қора нима ажратиб, ким дўсту ким ғаним фарқига бориб яшасак, бундан фарзандларимизни ҳам доимо огоҳ этсак, тинчлик учун тобора жипслашаверамиз. Президентимиз таъкидлаганидек: **“...Қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин...”**

Бугун тинчликнинг қадрига етган, тинчликнинг буюк шарофатини ҳис қилиб яшаётган халқ ўзининг эртанги куни, келажагини ҳам асраб қолади.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

## Мардлар шарафланмоқда

ҲАДЕМАЙ юртимизда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан ҳозирданоқ жойларда турли анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда, — деб ёзади журналист **Набижон Собиров.**

Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ҳам ана шу санага бағишланди.

Тадбир сўнгида Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев сўзга чиқди.



**Талқин**

## Ёшлар — юрт таянчи

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ давлат мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлмиш Конституция олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг мақсадини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб беради.**

АЙНИҚСА, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси инсон манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Ўзбекистонда истиқлол йилларида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган тарихий тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси дунё аҳлининг кўз ўнгида мустақил давлат сифатида шаклланиб, БМТ каби 50 дан ортиқ жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотларига аъзо бўлди. Юртимиз халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида турли давлатлар, халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ва кўп томонлама, ўзаро манфаатдорликка асосланган алоқаларни йўлга қўйди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ноёб тажриба тўпланган бўлиб, бу сиёсат шахснинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асослар вужудга келтирилишига қаратилгандир. Мустақиллик йилларида ёшларга оид сиёсатнинг қатор ҳуқуқий асослари яратилди.

Ислоҳотларнинг кенг қамровли майдонларидан бири таълим-тарбия соҳаси ҳисобланади. Бу соҳадаги муҳим муаммолардан бири ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишига эришиш замоннинг жиддий вазифаларидан биридир. Зеро, ёшлар демократик ва иқтисодий тараққиётимиз, халқимизнинг ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришишида ҳал қилувчи куч ҳисобланади.

**Аброр БЕРДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими**

“INSON va QONUN” ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг! Обуна индекси — 137. website: minjust.uz e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

“HUQUQ va BURCH” ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг! Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг! Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

“Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами” расмий нашрига обуна бўлинг! Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади. e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz website: www.lex.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33




## Ўзбекистон дунё эътиборида



"ЎЗБЕК МОДЕЛИ" халқаро эътирофларга сабаб бўлмоқда. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки экспертлари, Ўзбекистонда 2013 йилда энг юқори иқтисодий ўсиш кузатилиши ва йиллик ўсиш 8 фоиздан юқори бўлишини эътироф этмоқдалар. Эътиборлиси, Ўзбекистон дунёнинг 26 та тез суръатларда ривожланаётган давлатлари тоифасига ҳам киритилган.

## Савоб иш

ЯНА БИР савоб иш. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходими **Еркин Утениязов**нинг хабар беришича, Вазирликка ариза билан мурожаат қилган тўрткўллик Н.Матрасовага вояга етмаган фарзандлари учун тўланмай қолган 353.950 сўм маблағ ундириб берилди. Текширишда айбдор болаларнинг отаси эмас, чалкашликка йўл қўйган корхона раҳбарлари эканлиги аниқланди. Нима бўлсада, болаларнинг онаси хурсанд бўлди.

## Пенсиядан алимент олинадими?

Бу саволга жавоб олмоқчи бўлсангиз, газетамизнинг кейинги сонларини кузатиб боринг. Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди раиси **Раҳматилла Ғуломов** ана шу саволга жавоб беради. Тилагимиз, пенсияга чиққач, ҳуқуқшуносларга шу савол билан мурожаат қилиш ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

## Элликқалъада банан ўсаяпти



ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди илмий-тадқиқот институтининг Амир Темур номидаги Элликқалъа ботаника боғи деярли 20 йилдан буён жаҳоннинг турли бурчакларидан келтирилган ноёб дарахт, нодир бута, сара гуллар ҳамда камёб доривор ўсимликларни кўпайтириб келмоқда.

Ўтган йили ўтказилган бир неча туп **банан** бутаси, мана, ниҳоят, ҳосилга кирди. Ҳар бир тупдан **15 килограмм**гача, ҳеч бир ботаник меридиан бананидан қолишмайдиган мазали мева ҳосили йиғиб олинди. Эътиборлиси, айни пайтда бананзор кенгайтирилмоқда.

## Саломатлик – туман бойлик!

АҲОЛИ саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораверади. 2013 йилга мўлжалланган ишлар янада улкан. "Обод турмуш йили"да соғлиқни сақлаш тизими бўйича жами 143 та объектда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Шундан 42 тасида янги қурилиш ва 101 тасида реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

## Бошқармада тадбир ўтказилди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими бош маслаҳатчиси **Музроб Алимов**нинг хабар беришича, бошқарманинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими томонидан **"Давлат органлари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишининг долзарб масалалари"** мавзуида семинар ўтказилди.

## Ўзбек олимаси саратонга қарши

ЎзФАга қарашли Ўсимликлар моддаси кимё институти ходимаси Нилуфар Мамадалиева Францияда ўтказилган дунё олимларининг анжуманида қатнашиб қайтди. Бу анжуманда дунёнинг 80 дан ортиқ давлатдан борган олималар иштирок этди. Нилуфарнинг бу анжуманда иштирок этиши, у олиб бораётган тадқиқотларнинг нуфузи баландлигида. Боиси, у Ўзбекистонда ўсаётган ўсимликлардан саратон касаллиги ҳужайраларига қарши дори препарати яратиш мақсадида изланишлар олиб бораяпти. Зора, ўзбек олимаси миллионлаб одамларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлаётган бедаво дардга даво топса.

## Тоғларга қор тушди



ТОҒЛАРГА қалин қор тушганига анча бўлди. Емак дардида юрган ёввойи ҳайвонлар қишдан азият чекмоқда. — Жиззах вилоятининг тоғли ҳудуди ҳисобланган Ғаллаорол, Фориш туманларида овқат дардида бўрилар ва тулкилар тоғлардан тушмоқда, — дейди жиззахлик мухбиримиз **Асад Мустафоев.** — Бўриларнинг қишлоқларга келишига қарши курашиш мақсадида айрим қишлоқларда тунги навбатчилик ташкил қилинган.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Таълим ва тараққиёт**

# Чет тиллар таълимини ривожлантириш

## ёш авлодни дунё ҳамжамиятида салоҳиятли ва етук билим эгалари этиб тарбиялаш мезонидир

ЎЗБЕКИСТОНДА том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг юксак самараси бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Хусусан, 2012 йил 17 февраль куни Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган **"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган ёш авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти"** мавзуидаги халқаро конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланганлиги бежиз эмас.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган таълим соҳасидаги дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак самара ва натижалар яққол намоён этмоқда.

Бу борада МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб қабул қилинган таълим тизимининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг **"Таълим тўғрисида"**ги Қонуни, **Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури** дастуриламал бўлди.

Бугунги кунда хорижий тилни билиш ўта муҳим аҳамият касб этганлиги боис чет тили ўқитиш тизимини ҳам ислоҳ этиш, дарс жараёнларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини қўллаш таълимдаги долзарб масалалардан бирига айланди. Зеро, жамият тараққиётида хорижий тиллар тобора юксак аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир фуқаронинг камида битта хорижий тилни билиши замон талабига айланиб бормоқда. Сабаби, жаҳон миқёсида глобализация ва интеграция жараёнлари, техник тараққиёт, турли миллат, элатларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалар бўйича яқин ҳамкорлиги, бирлашиши рўй бермоқда. Шунингдек, жонажон Ватанимизнинг дунё майдонида тараққийпарвар давлат сифатида танилиб, ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши ҳам айниқса, истиқболимиз эгалари — ёшларимиздан хорижий тилларни мукаммал билишни тақозо этади.

Президентимиз томонидан 2012 йил 10 декабрда эълон қилинган **"Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори чет тили таълимини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни замон талабларига мос етук мутахассис этиб тайёрлаш каби эзгу мақсадларга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу Қарорнинг аҳамиятли жиҳати таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий манбалар билан таъминлашни янада такомиллаштириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг чет тилларга қизиқишини янада ошириш ва ўз навбатида, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, шу билан бир қаторда уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шароит ва имкониятлар яратиш кўзда тутилган.



2013-2014 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни босқичма-босқич ўқитилиши белгиланлиги хорижий тилни мукаммал ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Қарор ёрдамида фарзандларимиз келажакда замонавий фан-техника ютуқларини мукаммал ўрганиб, халқаро даражадаги юксак кадрлар бўлиб етишишлари ва мустақил Ўзбекистоннинг янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшишлари шубҳасиз. Шунингдек, 2013 йилнинг 1 мартигача бўлган муддатда ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартларини тасдиқлаш, умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб чет тиллар таълимини узлуксиз жорий этиш, барча таълим муассасаларининг ўқув дастурлари ва режалари, дарсликлар ишлаб чиқиш, таълим жараёнини ташкил этиш учун етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро эксперт ва мутахассисларни жалб этиш ҳақидаги Юртбошимизнинг қимматли таклифлари ёш авлоднинг таълим-тарбияси, ёруғ истиқболи йўлидаги ғамхўрликнинг яна бир тасдиғидир.

Ушбу Қарор тегишли давлат органлари, шу жумладан, барча таълим муассасалари ва чет тили ўқитувчилари зиммасига ёш авлодни мустақил давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширувчи юксак салоҳият ва билим эгалари қилиб тарбиялашдек улкан вазифалар юклайди.

Шу нуқтаи назардан, мазкур Қарор ТДЮИнинг профессор ўқитувчилари жамоаси томонидан катта масъулият ва эътибор билан кутиб олинди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ТДЮИ фаолиятининг тубдан яхшиланиши, унинг соҳа бўйича республикадаги чинакам таянч олий ўқув даргоҳига айланишида Президентимизнинг 2001 йил Олий Мажлис Иккинчи чақириқ VI сессиясидаги "Адолат — қонун устуворлигида" номли маърузасида билдирган амалий кўрсатма ва фикрлари муҳим аҳамият касб этди. Юртбошимизнинг институт фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар сифати ва салоҳиятини ошириш юзасидан берган ҳаётий тавсиялари асосида ТДЮИ нафақат таълим йўналишидаги, балки ҳуқуқшунос ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, фуқароларимиз учун ҳуқуқий маслаҳат ва тарғибот ҳамда ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган салоҳияти юксак илмий ва ташкилий марказга айланди.

— Сўнгги 20 йил ичида мамлакатимизда 51,7 мингдан ортиқ чет тиллар ўқитувчиларининг тайёрланганлиги, ўрта ва махсус таълим муассасаларида 5 мингдан ортиқ лингафон хоналарининг ташкил этилганлиги диққатга сазовор, — **дейди ТДЮИ "Хорижий тиллар" кафедраси доценти Сарвара Акобирова**. — **"Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорда 2013-2016 йилларда таълим муассасаларида хорижий тиллар ўқув хоналарини замонавий ахборот коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашнинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқиш талаби илгари сурилган. Албатта, ўқув хоналарида зарурий техник жиҳозларнинг мавжуд бўлиши ўқувчи ва талаба ёшларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишлари янада ортиши, ўзга тил элементлари билан танишишлари, уни тез ва сифатли эгаллашлари учун катта қулайликлар яратиб беради. Ўз навбатида тил ўргатувчи профессор-ўқитувчилар ҳам яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзларининг бор профессионал ва педагогик касб маҳоратларини ишга солиб, янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда сифатли дарс машғулотларини ўтказиш имкониятига эга бўладилар.

Институтимизда хорижий тилларни ўқитиш ва ўргатишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, "Хорижий тиллар" кафедраси томонидан ишлаб чиқилган намунавий дастур лойиҳаси Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан республикамизнинг барча ўқув муассасаларига амалда қўллаш учун тарқатилди. Таълим жараёни мазкур ишчи дастур асосида ташкил этилган бўлиб, талабалар дарслик, ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминланган. Замон талабларига мос жиҳозланган лингафон хоналарида юқори малакали профессор-ўқитувчилар машғулотлар олиб бормоқда.

Талабаларимиз тил бўйича турли халқаро ва республика миқёсидаги танловларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Ҳуқуқшунослар ўз фаолиятида турли воқеалар, ҳар хил вазиятларга ва барча соҳалардаги касб эгаларига дуч келади. Уларни адолатли ва оқилона ҳал этиш учун ҳар бир юрист соҳавий чуқур билим, пухта шаклланган кўникма ва малакаларга эга бўлиши ва, албатта, энг камида иккита чет тилини билиши зарурлигига эътибор қаратилмоқда.

Лекин шундай бўлса-да, Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, чет тилларни ўрганишни ташкил қилишнинг амалдаги тизимини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илғор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасида талабга тўлиқ жавоб бермаётганлиги, таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилаётганлиги сабабли, таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Президентимизнинг бу кўрсатмалари ёшларни замон талабларига мос даражада хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиришларида муҳим аҳамиятга эга бўлиши муқаррар.

Дарҳақиқат, мазкур Қарор мамлакатимизда чет тилларни ўргатишнинг комплекс тизими, яъни салоҳиятли, ўқимишли, замон билан ҳамнафас фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республикамизнинг жаҳонга интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

2013-2016 йилларда таълим муассасалари хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ҳамда ўқитишнинг техник воситалари ҳамда анжомлари билан жиҳозлашнинг жадаллаштирилиши, шунингдек, телевидение, маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илм-фани ва техникаси янгиликларига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликацион фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб бришни амалга ошириш, "ZiyoNet" тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини орттириш, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газета ва журналларни нол этишни ташкил этиш каби жиҳатларнинг ушбу Қарорда акс этиши — мамлакатимиз ёшларига дунё халқлари тарихи, маданияти илм-фани билан яқиндан танишиш имконини бериш билан бир қаторда, ўз тарихимизни, маданиятимизни ва ютуқларимизни ҳам намоён этиш имконини беради.

Ушбу Қарор мустақил юртимиз фарзандлари юксак савияли, билимдон, тиришқоқ, фидойи, меҳнатсевар ва ватанпарвар инсон бўлиб етишишлари учун улкан имкониятлар эшигини очиб беришига шубҳа йўқ. Буюк аждодлар вориси бўлган бугунги кун ёшларимиз бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳаётда муносиб ўринларига эга бўлишлари ва Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшишларига ишонамиз.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Фармон ва ижро**

# Фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари

## таъминланмоқда

**МАМЛАКАТИМИЗДА қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, хусусан, ерларнинг чинакам эгалари — омилкор, уста деҳқонларга узоқ муддатли ижара мулки қилиб берилиши фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.**

**Юртимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Шунингдек, қишлоқ жойларда саноат, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ишларга ҳам фермерлар салмоқли ҳисса қўшмоқда.**

**Президентимиз раҳнамолигида фермер хўжаликлари фаолиятига оид мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани, уларга кўплаб имтиёз ва имкониятлар берилаётгани уларнинг эркин ва самарали ишлашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.**

**Мазкур Фармон ижроси ҳамда деҳқон ва фермерларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Худоёр МАМАТОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига қуйидагиларни баён қилди:**

— МАМЛАКАТИМИЗДА барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши натижасида одамларнинг ерга муносабати ўзгарди, уларда эгалик ҳисси пайдо бўлди. Бу нафақат етиштирилаётган маҳсулот сифати ва ҳажмини ошириш, балки одамларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги ҳамда турмуш фаровонлигини юксалтириш имконини бераётир. Айни пайтда, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билган фермерлар қишлоқда ислоҳотларни амалга оширувчи етакчи кучга айланди.

Аммо айрим мансабдор шахслар ва мутасадди идоралар томонидан фермерлар манфаатларига зид ҳаракат қилиш, уларнинг ҳуқуқларини чеклашга уриниш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай вазиятларда тегишли давлат органлари қатори адлия идоралари ҳам фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Бошқармамизга жорий йилнинг тўққиз ойи давомида фермерлардан юздан ортиқ шикоят тушди. Бу мурожаатларнинг асосий қисми қаноатлантирилиб, элликка яқин шикоят юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди.



Таҳлиллар шуни кўрсатадики, шикоятларнинг аксарияти фермер хўжаликлари билан тайёрлов, таъминот, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида тузилган шартнома муносабатларига оид. Шу боис олиб борилган мониторинглар натижасида тегишли ҳокимликларга, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Ўзагромашлизинг" компанияси, "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси тизимига кирувчи корхоналар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари номига қонун ҳужжатлари ижросининг бузилиши, унинг сабаблари ва бунга сабаб бўлаётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш тўғрисида 66 та тақдимнома киритилди. 367 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасида шартнома интизомини бузганлик ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун судларга 16 та таклиф киритилиб, 6 нафар ҳуқуқбузар шахс маъмурий жазога тортилди.

Шартномаларнинг ҳар томонлама пухта ва мукаммал тузилиши ҳамда бажарилишига эришиш мақсадида ҳар бир туманга ходимларимиз масъул этиб бириктирилиб, вилоят миқёсида 2012 йил ҳосили учун фермер хўжаликлари билан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот корхоналари ўртасида 54 мингдан ортиқ 22 турдаги шартномалар тузилишида амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Тузилган шартномаларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилди.

Айни кунларда келгуси йил ҳосили учун шартнома тузишда ҳам ана шу тартиб асосида иш олиб борилмоқда. Жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида семинар ва йиғилишлар ташкил этмоқдамиз. Мазкур тадбирларда Президентимизнинг шу йил 22 октябрдаги **"Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони мазмун-моҳияти ҳамда унинг аҳамияти ҳақида фермерларга батафсил тушунча берилмоқда.

Бу ишларнинг барчаси фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, ер эгаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**ЎзА мухбири**
**Ғолиб ҲАСАНОВ ёзиб олди.**

Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллиги олдидан

# Фаровон ҳаёт ва орзу-мақсадлар ҳимояси

## Тинчликни фақат армия таъминлаши керакми?



МУРАККАБ ва таҳликали вазият дунёда ҳали ариганиі йўқ. Мақсадлар, манфаатлар, ғаразлар ва уруш оловини ёқишга қаратилган турли гина, адоватлар давом этмоқда. Демак, тинчликка, ҳаловатга таҳдид ҳали сақланиб турибди.

Турли можаро, қарама-қаршилик биздан узоқ ёки яқинда содир этилмасин, барибир кўнгилни ғаш қилади. Соғлом фикрлайдиган инсон бундан ташвишланади.

Тинчлик ва осойишталикни армия ёки тегишли соҳа вакиллари таъминлаши керак, деган фикр нотўғри. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тинчлик учун курашиш керак, тинчлик учун барчамиз масъулмиз.

Халқимиз тинчлик ва осойишталик йўқ жойда барака бўлмайди, дейди. Бу ҳаётий ҳикмат. Тўй-ҳашам, маърака-маросимларда тинчлик-осойишталик, омонлик бўлсин, баракамизни берсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб бежизга халқимиз дуо қилмайди. Негаки, миллатнинг маънавий юксалиши тинчлик, барқарорликнинг муҳим шартларидан, тараққиётнинг муҳим кафолатларидандир.

"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида Президентимиз дунёнинг ҳали ҳам мўрт бўлиб, чайқалиб турганини таъкидлаб, бунга сабаб бўлаётган айрим омилларни санаб ўтганлар. Жумладан, бир қанча мамлакатларда кескин сиёсий кураш кечаётган бир вақтда демократия асосларининг қийинчилик билан қарор топиш жараёнлари таҳлил қилиниши, миллий ўзликни англашнинг фаоллашуви ҳамда миллатлар ва айрим элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши, этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолаётгани, қотиб қолган мафкуравий ақидаларнинг қадрсизланиши, сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари кучайиб бораётгани, жаҳоннинг катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар сақланиб қолаётгани, мамлакатлар, халқлар ўртасида, бир мамлакат ичида эса айрим ижтимоий гуруҳлар орасида иқтисодий ва ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётганлиги келтириб ўтилган. Юқорида таъкидланган гина, адоватлар, можароларнинг илдизи аслида мана шу омилларда.

Тинчлик учун курашмоқ керак, дедик. Давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсати Асосий қонунимиз — Конституциянинг 125-моддасида шундай акс этган: **"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади".** Яъни давлатимиз тинчлигимизни, осойишталигимизни сақлаш, демакки, фаровон ҳаёт йўлида орзу-мақсадларимизни амалга ошириш учун армия тузишни қонунан мустаҳкамлаб қўйган.



Ҳа, мустақил давлатимиз Президентимиз раҳнамолигида ана шундай тўғри йўлни танлади. Яъни илк қадамларимизданоқ олиб бораётган мустақил сиёсатимизга қарши билдирилган огоҳлантиришлар, пўписаларга, ҳаттоки амалда намойиш этилган тазйиқларга, бир сўз билан айтганда, танлаган тараққиёт йўлимиздан қайтаришга қаратилган жиддий ҳаракатларга жавобимиз — миллий армиямизга асос солингани бўлди.

Бироқ тан олиб айтиш керак, мустақиллигимизнинг илк дамларида шўро мафкураси асорати бўлган номаъқул тартиб-интизом, инсон зотига ҳурматсизлик, шафқатсизлик каби иллатлар бизда сақланиб қолганди. Шунинг учун, энг аввало, бундай асоратларни таг-томири билан йўқ қилиш, миллий армиямизни мутлақо янгича, замонавий негизда, юксак маънавий асосда ташкил этиш масаласи олдимизда кўндаланг турганди.

Хуллас, бу ҳаётий зарурат ҳисобга олиниб, давлатимиз раҳбари етакчилигида ҳарбий қурилиш соҳасида мутлақ принципиал ўзгаришлар, мақсад ва вазифалар амалга оширила бошланди. Қуролли Кучларимизда соғлом муҳитни шакллантириш, юксак тартиб-интизомни таъминлаш, ўзаро ҳурмат туйғуларини қарор топтириш йўлида кўплаб эзгу ва хайрли ишлар қилинди. Бунинг қай даражада тўғри ва оқилона йўл эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

### Нуфузли ва шарафли

Бир тарихий воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессияси. Президентимиз Ислом Каримов **"Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари"** мавзуида маъруза қилди. Унда давлатимиз раҳбари профессионал асосдаги армияни шакллантириш борасидаги вазифаларни белгилаб берар экан, **"...Қандай қилсак мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади?"**, деди. Ҳатто бу саволнинг ечимини ҳам кўрсатиб берганди.

Яқинда нуфузли бир газетада ишлайдиган ҳамкасбим телефон қилиб қолди. "Ака, укам коллежни тугатди. Ёши 19 га яқинлашяпти. Армияга мени нега чақирмаяпти, дея хавотирда. Эрта-индин ўзим мудофаа ишлари бўлимига бораман", дейди. Шунга сиз нима маслаҳат берасиз?". Мавжуд қонун, мавжуд тартибни унга яхшилаб тушунтирдим.

Бугун чақирилувчининг нафақат ўзи, ҳатто қариндошлари, ота-онаси қизиқиш билдириб, мудофаа ишлари бўлимларига келишмоқда. Шўролар давридагидек армиядан қолишга баҳона ва сабаб изланмаяпти, бугун. Аксинча, аскар бўлиш, Ватан посбони бўлиш бугун жамиятимизда энг шарафли ишлардан бирига айланди.

Чақирув ёшидаги, муддатли ҳарбий хизматга боришга тайёрланаётган 3 нафар йигит билан яқинда суҳбатлашдим. Барига "Нега армияга бормоқчисан?", дея бир хил савол бердим. Улардан биринчиси "Эр йигит аскар бўлиши, ҳаёт мактабида тобланиши керак. Оиламизда барча эркаклар армияда хизмат қилишган", деди. Иккинчиси "офицер бўлмоқчиман, бунинг учун, аввало, аскар бўлиб, ҳарбий ҳаётни ўрганишим керак", деди. Учинчи ўғлоннинг жавоби эса қуйидагича бўлди: "ҳаётдан ўз ўрнимни топиш учун". Жавобларнинг мағзини чақиб ўтиришга ҳожат йўқ. Жавоблар замиридаги моҳият шундай: бугун Ўзбекистон аскари бўлиш эр йигит учун фахр, ғурур.

Фарғонада хизмат сафарида бўлганимда чақирув комиссиясининг катта шифокори "биласизми, ёшлар ҳатто муддатли ҳарбий хизматга бориш учун айрим хасталикларини ҳам яширишга уринишмоқда. Даволаниб, сўнгра борасан, десак ҳатто жанжал кўтармоқчи бўладиганлари ҳам бор", деди.

Армияга яроқсизсан ёки ҳозирча соғлигинг тўғри келмайди, деган хулоса бугун йигитларимизнинг оригa, ғурурига тегмоқда. Эр йигит юрт ҳимоячиси, деган тушунча жамиятимизда қайта ранг олаётгани, мазмун олаётгани ғоятда қувонарли.

Бир ҳамқишлоғим узоқ муддат таҳсил олди. Қарабсизки, ёши ҳам 27 га яқинлашди. Чақирув қоғози келишини кутиб ўтирмасдан туман мудофаа ишлари бўлимига борибди. Масъул ходимлардан сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ойлик йиғинига жўнатишларини сўраб, акс ҳолда қонун бўйича ёши ўтиб қолишини айтган. Йиғинни ўтаб келди. Унинг қонунга, бурчга ҳурмати ғоят ибратли.

Келтирилган мисоллардан ҳам англаса бўлади. Орадан ҳеч қанча ўтмай Президентимиз ўша тарихий сессияда таъкидлаганидек, армияда хизмат қилиш шарафли ишга айланди.

### Куртак ёзаётган ишонч

Маълумки, 2012 йил 31 майда Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори эълон қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлиши белгиланди. Яхши биламиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги **"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"**ги қарори асосида муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилаётганда ўғлонларга юксак натижалари учун илк бор тавсияномалар берила бошланди. Ўшанда ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган ёшларга республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча балл берила бошланганди. Орадан икки йилдан зиёдроқ вақт ўтиб, аниқроғи, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига мувофиқ ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган йигитларга республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл бериладиган бўлди. Кўриб турганингиздек, имтиёзлар тизими такомиллашяпти. Фарзандларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб олишлари учун Ўзбекистоннинг танлаган ўзига хос йўли ана шундай.

Жасурбек Эгамбердиев Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетига жорий йилда тавсиянома ёрдамида ўқишга кирди. Йигит бу йўлни онгли равишда танлаган. Жасурбек сингари мавжуд имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган йигитлар бугун кўпчиликни ташкил қилади.

Озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу орзу-истакларимизни, тинчлигимизни ҳимоялашни касб қилиш уларнинг қалб амри. Бундайин ўғлонларнинг сафи ой сайин, йил сайин ортиб бормоқда. Қалбларидаги ғурур, ифтихор туйғулари билан улар юксалмоқда, янги марраларни забт этишга чоғланишмоқда..

**Алижон САФАРОВ**

---

Бугунги қаҳрамонлар

# Истиқлол ҳадя этган қўш қувонч

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ йигирма бир йиллиги арафасида мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва осойишталикни мустаҳкамлашда, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар Президентимиз Фармонига кўра давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди.

Улар орасида майор Анвар Кошназаров ҳам "Содиқ хизматлари учун" медалига сазовор бўлди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, бугун чинакам мардлик, фидойилик йўлини танлаган ҳарбий хизматчилар кун сайин янгиланаётган миллий армиямиз салоҳиятини янада ошириш, муқаддас Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилиш, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнини тобора жадаллаштириш учун бор куч ва билимларини, имкониятларини ишга солиб, шу Ватан меҳри билан ёниб яшамоқдалар.

Майор А.Кошназаров ҳам ана шундай фидойи ҳарбийлардан. У Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва анъанага айланиб улгурган "Энг илғор мутахассис" кўрик-танловининг 2011 йилги республика босқичида илк бор иштирок этиб, "Энг илғор батальон командири" номинациясида ғолиб бўлганди. Дарҳақиқат, танловнинг ўтган йилги республика босқичида асл профессионаллар беллашди, десак хато қилмаймиз. Ҳарбий хизматчилар сўнгги ҳал қилувчи босқичда бор куч ва билимларини ишга солиб, ғолиблик сари интилдилар. Майор Кошназаров танловда илк бор қатнашаётган бўлса-да, бу борада етарли тажриба ва кўникмага эга бўлган офицерлар билан тенгма-тенг баҳс олиб борди ҳамда ғолиблар сафидан жой олди.



— Тинимсиз меҳнат, изланиш, ўқиш ва маҳорат, албатта, мевасини бермай қолмас экан, — дейди мақоламиз қаҳрамони. — Танловга тайёргарлик кўришимда қисм қўмондонлиги ҳам катта ёрдам берди. Изланиш ва билимларим зое кетмади.

2001 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугатган офицер А.Кошназаров хизматининг илк кунлариданоқ етук командир ва тарбиячи бўлиб етишишга ҳаракат қилди. Устозларидан олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаб борди ва ўз устида тинимсиз ишлади. Шу боис ҳам қисқа фурсатда профессионал ҳарбий хизматчилар сафидан жой олди.

— Ҳарбийлик қон-қонимга сингиб кетган десам, хато қилмайман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бу касбнинг қанчалик масъулиятли ва шарафли эканлигини ҳарбий хизматни ўтаган инсонлар яхши англайди. Ёшлигимдан орзу қилган касбимнинг эгаси бўлдим. Шу касбда камол топяпман, юртимга, халқимга нафим тегяпти, менга шунинг ўзи катта бахт. Ҳали олдинда кўплаб режаларим бор. Уларни амалга ошириш учун кўп ўқишим, изланишим лозим. Шунда янада юксак марраларни забт этишимга ишонаман.

Янги ўқув йили машғулотлари энди бошланган вақтлар хизмат сафари билан майор Кошназаров хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлдим. Батальон шахсий таркиби ўша дамда дала-ўқув машғулотларини ўтказиб, жанговар шайликни ошириб, билим ва маҳоратини бойитаётган экан. Командирнинг тиришқоқлиги, вазифасига виждонан ёндашуви, шахсий таркиб билан ишлаш қобилияти менда катта таассурот қолдирганди, ўшанда. Кейин ҳам бир неча бор у билан дала-ўқув машғулотлари майдонида учрашдик. Ҳамиша у ҳақида илиқ гапларни эшитганман. Унинг жамоаси бир неча бор қисм ва округда "Энг илғор батальон" деган шарафли номга сазовор бўлган. Албатта, буларнинг замирида командирнинг юксак билим ва тажрибаси, тарбиячилик қобилияти ҳамда тиришқоқлик ва изланувчанлик хусусиятлари мужассам.

— Танловда автоматдан нишонга ўқ отиш, 5000 метрга югуриш, тактика, ҳарбий топография, жанговар ва маънавий-маърифий ҳамда жисмоний тайёргарлик бўйича синовлардан муваффақиятли ўтдим, — дейди майор Кошназаров. — Шунингдек, мутахассислигим ва Умумҳарбий низомлар асосида тест синовини топширдим. Нафақат ғолиблик учун ҳаракат қилдим, балки бундай нуфузли танлов ютуқ ва камчиликларимни ҳам кўрсатиб берди.

Қувончли хабарнинг қаноти бўлади, дейдилар. Дарҳақиқат, шундай. Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик шодиёнаси майор Кошназаровга олам-олам қувонч ҳадя этди. Сафдошлари уни Қуролли Кучлар академиясига ўқишга киргани билан табриклашга улгурмасдан, унинг Президентимиз Фармонига кўра давлатимизнинг юксак мукофоти — "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланганлиги ҳақидаги қувончли хабар яқинлари шодлигини икки ҳисса оширди.

Ҳа, жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда соҳаси бўйича ўзлаштирган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Майор Анвар Кошназаров ушбу масъулиятни юракдан ҳис қилиб, ўз билимларини янада бойитиб, тажрибасини ошириб бормоқда. Ишончимиз комилки, у юксак мукофотга жавобан Қуролли Кучлар академиясини имтиёзли тугатиб, мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига бундан кейин ҳам улкан ҳисса қўшади.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**лейтенант**





Концепция: устувор вазифалар

# Жамоатчилик назорати

## уни адолат тарозиси, дейиш мумкин

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясининг 2-моддасида **"Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар"**, деб белгиланган. Бу норма маълум маънода мансабдор шахслар устидан жамоатчилик назорати ўрнатишни тақозо этади. Фуқаролик, Фуқаролик процессуал ва Меҳнат кодекслари, **"Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"**ги, **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги, **"Сиёсий партиялар тўғрисида"**ги, **"Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги, 40 дан зиёд қонунларда, 10 дан ортиқ қонуности ҳужжатларида жамоатчилик назорати масаласи у ёки бу тарзда ўз ифодасини топган. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини бош стратегик мақсад қилиб, бу мақсадга эришиш борасида жамоатчилик назорати зарур эканлигига ҳамиша эътибор билан қараган.

Жумладан, Юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ олтинчи сессияси минбаридан туриб айтган кенг кўламли мулоҳазалари орасида, биз фикр юритмоқчи бўлган долзарб мавзуга дахлдор қуйидаги мушоҳада бор: **"Ҳаёт — мураккаб. Кўп ҳолларда хушомад қилиб, мансаб курсисида ўтирганларни ўзимиз бузиб қўямиз. Натижада амалдор ғўдайиб кетади, ҳамма менга эътибор беряпти, демак мен ҳаммадан ақлliман, деб ўйлай бошлайди. Мувозанатни жойига қўядиган, амалдорнинг попугини пасайтирадиган тизим тузиб олишимиз керак. Бу тизимнинг негизи, аввало, жамоатчилик бўлади".** Мана шу ғоя Президентимизнинг **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"**да янада ривожлантирилган. Маърузада, жумладан, шундай дейилади: "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган **"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"**ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур". Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан мутасадди бўлган бизнинг қўмита томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қабул қилинаётган қонунлар лойиҳасини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш, муҳокамалар жараёнида билдирилган фикр — мулоҳазалар асосида қонунларни янада такомиллаштириш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мазкур қонун лойиҳасини ҳам Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутасаддилари билан мазкур институтнинг барча вилоятлардаги минтақавий филиалларида депутатларнинг кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказган атрофлича фикр алмашувларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Қонун лойиҳасида қатор масалалар, айниқса, Концепцияда билдирилган амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш борасидаги талабларга жиддий диққат-эътибор қаратмоқдамиз. Чунки айнан шу масалада, яъни аксар ҳолатларда **мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги, қонунларни билмаслиги ёки уларга итоат этмаслиги жамиятимизнинг янада тараққий этиши, жадал ривожланиши учун жиддий тўсиқ-ғов бўлаётгани** кўпчиликка сир эмас. Шу боисдан ҳам қонун лойиҳасига мазкур масалада жиддий хулосалар чиқаришга асос бўлувчи, яъни мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаб берувчи алоҳида моддалар киритилиши кўзда тутилаётир.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги ушбу қонун, шубҳасиз, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллигини оширибгина қолмай, мустақил давлатимиз ва унда яшовчи халқимиз иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари қадам қўйилар экан, жамоатчилик назоратининг кучайиши кучли фуқаролик жамиятининг вужудга келишига замин яратади. Айнан жамоатчилик назоратининг туб моҳияти, асл мақсад-манфаати ана шундай кучли фуқаролик жамияти яратишга қаратилгандир.

Ўрни келганда шуни ҳам уқтириб ўтиш жоизки, Президентимиз томонидан мазкур қонунни қабул қилиш фикри баён қилингандан буён оммавий ахборот воситаларида, қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган муҳокамалар жараёнида жамоатчилик назорати ва унинг кундалик ҳаётимиздаги адолат муҳитини янада кенгроқ қарор топтиришдаги аҳамияти тўғрисида назариётчилар, амалиётчилар, шунингдек, мутасаддиларнинг хилма-хил қарашлари, фикр-мулоҳазалари баён қилинмоқда. Баҳсли, мунозарали томони шундаки, бу чиқишлар ва қарашларда асосан жамоатчилик назоратининг турларидан бири бўлган бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш механизми хусусидаги нуқтаи назарлар баён этилмоқда. Бу масалага бир ёқлама қараш бўлиб, жамоатчилик назорати фақат давлат ва мансабдор шахслар фаолияти устидан амалга оширилади, деган фикр ҳам ана шу бирёқлама фикрлашдан бошқа нарса эмас. Жамоатчилик назорати наинки давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини, балки "учинчи сектор", деб юритилаётган нодавлат тармоқлар фаолияти устидан ҳам ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Худди шу масалага жиддий эътибор қаратган ҳолда қўмитамиз томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шу жумладан, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари билан ҳамкорликда парламент эшитувининг янги шакли — жамоатчилик эшитувини ташкил этаётганимиз бу борада муҳим қадамдир, дейиш мумкин. Мустақил мамлакатимизда қарор топаётган таомилга кўра очиқ ва кучли фуқаролик жамиятининг асосини фуқаролар, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари ташкил этар экан, бошқа ҳуқуқий меъёрлар қатори жамоатчилик назорати — жамиятда ижтимоий адолат, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда муроса, тенглик, масъулият ва жавобгарликнинг барқарор бўлишида муҳим восита, адолатли жамиятимизнинг барча фуқароларини виждонан, ҳалол, тўғри фаолият кўрсатишга йўлловчи ўзига хос омил, Президентимиз иборалари билан айтганда, адолат тарозиси, мезони бўлмоғи лозим. Мақсадимиз янги яратилаётган қонунга худди шу нормаларни киритишдир.

**Зиёвиддин МАНСУРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

# Суд орқали ҳимояланиш

## шахснинг конституциявий ҳуқуқи

**МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини эътироф этиш лозим. Бунинг натижасида юртимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланмоқда.**

1993 ЙИЛ қабул қилинган **"Судлар тўғрисида"**ги Қонунда айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилди. Бу тамойиллар Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал кодексларида ривожлантирилди.

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши тўғрисида Конституциянинг 44-моддасида алоҳида ҳуқуқий меъёр киритилган бўлиб, бу борада суд ҳокимиятининг бошқа давлат органларидан устунлиги белгиланган. Бирорта давлат идораси суд каби фуқароларнинг манфаатларини тўғри, одилона ҳал эта олмаслиги суд ҳокимиятининг мустақиллигини яққол кўрсатади.

Ислоҳотларнинг кейинги босқичида иш юритишнинг том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди. **"Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"**ги, **"Адвокатура тўғрисида"**ги, **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги қонунлар, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга, суд тизимини демократлаштиришга хизмат қилмоқда.



Бугунги кунда фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини апелляция ва кассация инстанцияларида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини таъкидлаш лозим. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди.

Амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар жамиятимизда суднинг юксак нуфузини таъминлашга, унинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Мустақил ва демократик суд тизимини вужудга келтириш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли муҳофаза этишга хизмат қилади.

**Моҳинур ЮСУПОВА,**
**ТДЮИ талабаси**

# Мулкий муносабатлар

## мазмун ва моҳиятига назар

**ИНСОН ҳаёт экан, мулкка эга бўлади, ундан фойдаланади. Шахсга тегишли бўлган, унинг ихтиёридаги мол-дунё, кийим-кечак ва бошқа буюмлар унинг мулки ҳисобланади. Буни қонун тили билан изоҳлайдиган бўлсак, мулк ишлаб чиқаришнинг зарурий шарти ва ишлаб чиқарилган бойликларнинг ўзлаштирилишидир. Ҳар бир шахснинг ўзига тегишли мулки мавжуд.**

ЎРМОНЛАР, ерлар, ишлаб чиқариш корхоналари, уйлар ҳам мулк, деб аталади. Булардан фойдаланиб, ҳар бир киши ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиради.

Мулкдорнинг мол-мулкини олиб қўйишга, шунингдек, унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Фуқаролик кодексига кўра мулк ҳуқуқининг субъектлари, фуқаролар, юридик шахслар, давлат ҳисобланади.

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, шу жумладан, бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хомашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар ҳамда интеллектуал мулклар мулк объектидир.

Мулк ҳуқуқи қуйидаги асосларда вужудга келиши мумкин:

— меҳнат фаолияти; мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкини хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар кабилар.

Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзига маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органларига хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олиши белгиланган.

**Матлуба НИГМАТОВА,**
**Каттақўрғон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси**

Мулоҳаза

# Ишонч ва садоқат

## оилалар тотувлигини таъминлайди

**ДУНЁДА яшаётган ҳар бир халқнинг ўз тили, дини, урф-одат, анъаналари, ўтмиши бўлганидек, уларнинг фаровон жамият қуриш ҳақидаги тушунчалари ҳам ўзига хос, албатта. Шарқ мамлакатлари, хусусан, она юртимизда оила муқаддас даргоҳ сифатида эъзозланиб, унинг фаровонлиги жамият фаровонлигига қиёсланган. "Оиланг тинч — юрт тинч", "Сариштали уй — фariштали уй", "Онаси бор уйнинг ори бор — отаси бор уйнинг зари" сингари ҳикматларда оиланинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятига муносиб баҳо берилган.**

ЎТГАН 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши, оила муҳитини асраб-авайлаш, уни мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган одилона сиёсатнинг муҳим саҳифасини очиб берди. Албатта, мустаҳкам оилагина жамият, давлат тараққиётининг муҳим мезони бўла олади.

Оила мустаҳкамлиги эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат, ишонч ва садоқат тамойиллари асосига қурилишига бевосита боғлиқ. Бироқ бугунги кунда жамиятимиздаги барча оилаларда ҳам оилавий муносабатлар рисоладагидек кечяпти, деб бўлмайди. Хусусан, айрим оилалардаги турмушнинг издан чиқиши, оилавий муносабатларнинг бузилиши, айни вақтда ажралишлар юз бераётгани ачинарли ҳол. Тўғри, бундай оилалар мамлакатимизда тинч-тотув оилалар сонига нисбатан жуда оз миқдорни ташкил қилади. Шундай бўлса-да, мазкур муаммонинг ечимига янада чуқурроқ назар ташлашимиз даркор. Бунинг учун қурилаётган янги оила, тузилаётган никоҳ шартномаси масалаларида эр-хотиннинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан бир-бирларига мос келишларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. "Ўзинг суйганни олгунча, ўзингни суйганни ол" деганларидек, азиз ота-оналаримиз фарзандларининг оила қуришларига масъулият билан ёндашишлари зарур. Айниқса, айрим ота-оналар томонидан йўл қўйилаётган мажбурий никоҳларга чек қўйиш, ёшларимизни оила қуришдек ҳам шарафли, ҳам масъулиятли масалага юксак даражада тайёрлаш, мустаҳкам оила тамойилларини халқимиз, ёшларимиз онгига чуқур сингдириш айни муддаодир. Шу билан бирга ёшлар ўртасида тарғибот ҳамда ташвиқот ишларини кучайтириш орқали турмуш машаққатларига дош беролмаслик, турмушни енгил тушуниш, ўткинчи ҳою ҳаваслар билан яшашга мойиллик каби салбий ҳолатларни бартараф қилиш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

**Барно РЎЗИЕВА,**
**Тошкент шаҳар "Наврўз" никоҳ уйи мудири**

Сарҳисоб

# "Биз сиздан миннатдормиз"

## 2012 йил таҳририятимизга мазмунли, далилларга бой, таҳлилий мақолалар юборган муаллифларимизга ана шундай қалб изҳорини билдирмоқчимиз

**АЗИЗ МУШТАРИЙ! Бугун қўлингизда "Инсон ва қонун" газетасининг 2013 йилдаги илк сони. Ўйлаймизки, 2012 йилда Сиз азизлар билан яхши ҳамкорлик қилдик. Сара мақола, хат ва хабарларингиз газетамизда мунтазам чоп этиб борилди. Сизларнинг таклиф ва тавсияларингиз туфайли газетамиз янада мазмунли ва ўқишли бўлди. Бироқ, таҳририят почта қутисига ва электрон сайтига келиб тушган барча мақолалардан фойдаланиш имконияти бўлмади. Кўпгина мақолаларда бир мавзу такрорланган бўлса, айримларида далиллар ва таҳлил етишмайди.**

**Бизга йил бўйи сермазмун, далилларга бой мақолалар юборган муаллифларга миннатдорчилик билдириб қўйишни ўз бурчимиз, деб билдик.**



ЖУМЛАДАН, **Санжар Ўрманов** — Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими, **Б.Қаршиев** — жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон тумани суди раиси, **Шерзод Ҳайдаров** ва **Нодира Ҳакимова** — Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари, **Музаффар Раҳмонов** — Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи, **Орифжон Тошонов** — Хатирчи агросервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, **Фарруҳ Муродов** — Бухоро вилояти адлия бошқармаси масъул ходими, **Ҳожиакбар Раҳмонқулов** — ЎзФА академиги, **Раҳматилла Ғуломов** — фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди раиси, **Еркин Утениязов** — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими, **Умиджон Гиясов** — Республика Конституциявий суди эксперти, **Мамат Ҳайдаров** — ТерДУ ректори, сенатор, **Мурод Тўрақулов** — Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими, **Дилобар Эргашева** — Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими, **Барно Раҳимова**, **Нигора Нафасова** — Зангиота тумани ФҲДЁ бўлими мудири ва инспектори, **Ҳилола Бегалиева** — фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси, **Бахтиёр Назаров** — Сирдарё вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси, **Улуғбек Ҳусаинов** — ТДЮИ катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, **Эшбўри Мирзаев** — журналист, **Азим Қодиров** — "Инсон ва қонун" мухбири, **Ф.Муродов** — Бухоро вилояти адлия бошқармаси масъул ходими, **Азизбек Баротов** — Бухоро вилояти адлия бошқармаси масъул ходими, **Аслиддин Нуридуллаев** — Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, **Хуршида Бурханходжаева** — ТДЮИ доценти, **Олимжон Ҳайдаров** — ТДЮИ тадқиқотчиси, **Мўминжон Умаров** — Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими, **Адолат Муқумова** — ТДЮИ магистранти, **Озод Бекмурадов** — Адлия вазирлиги шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси масъул ходими, **Асад Мустафоев** — "Инсон ва қонун" мухбири, **Сахипжамол Джолдасова** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди, **Дилшод Содиқов** — Шайхонтоҳур тумани прокуратураси терговчиси, **Санжар Отажонов** — Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси етакчи маслаҳатчиси, **Даврон Қаландаров** — Адлия вазирлиги масъул ходими, **Илҳом Муродов** — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи, юридик фанлар номзоди, полковник, **Элёр Носиров** — ТДЮИ талабаси, **Иномжон Юлдашев** — Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими, **Комилжон Ботиров** — Адлия вазирлиги масъул ходими, **Нодир Мухторов** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчиси, юридик фанлар номзоди, **Эркин Хайитов** — шу институтнинг бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи, **Зульфия Осмонова**, **Шоира Тошмуҳаммедова** — Тошкент вилояти Зангиота тумани давлат нотариал идораси нотариуслари, **С.Садуллаев** — жиноят ишлари бўйича Янгиариқ тумани судининг раиси, **Мирислом Бадалов** — тадқиқотчи, **Г.Эсанова** — фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани судининг раиси, **Акбар Саитқосимов** — Жиззах вилояти "Истиқбол" Минтақавий тадқиқот маркази раҳбари, сиёсий фанлар номзоди, **Икром Хатамов** — Гулистон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси, **Мақсадхон Искандарова** — Бухоро вилояти Вобкент тумани давлат нотариал идораси нотариуси ёрдамчиси.

Эътиборлиси, таҳририятимиз билан ҳамкорлик қилишни ният қилганлар орасида сенатордан тортиб академиккача бор. Олий Мажлис депутатлари, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, хуллас, барча касб эгаларининг газетамизга эътибори ўзгача. Улар ҳам ўзларининг долзарб мавзудаги мақолалари билан газетхонлар эътиборига тушмоқда. Газетамиз Адлия вазирлиги нашри бўлганлиги боис кўпгина мақолаларнинг муаллифлари ФҲДЁ, давлат нотариал идоралари, жойлардаги адлия бошқармаси ходимлари эканлигини яхши биласиз. Шу боис газетамиз саҳифаларида ҳуқуқий мавзудаги мақолаларга кўпроқ эътибор қаратилади.

Азиз муштарий! Янги йилда сизлар билан ҳамкорлигимиз давом этади. Сизлардан дилтортар, долзарб мавзулардаги, далилларга бой, таҳлилий мақолалар кутиб қоламиз.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Хўжалик суди амалиётидан**

# Ҳисоб-китоб терминали

## уни ўрнатмаслик жарима қўллашга сабаб бўлади

**Фискал хотирали назорат-касса машинасини ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ўрнатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади**

### Ишнинг мазмуни

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши туман ҳудудий комиссиясининг 2012 йил 18 июндаги 06-5-сонли рухсатномаси ва вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2012 йил 19 июндаги 486-х/с-сонли буйруғига асосан туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2012 йил 19 июнда ўтказилган текширишда якка тартибдаги тадбиркор назорат-касса машинаси ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалисиз аҳолига хизмат кўрсатаётганлиги ҳолати аниқланган.

Назорат қилувчи орган томонидан аниқланган ушбу қонунбузарлик ҳолати юзасидан тегишли далолатнома тузилган. Шундан сўнг текшириш материаллари туман давлат солиқ инспекцияси томонидан кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган ва ушбу қарор нусхаси унга топширилган. Аммо, якка тартибдаги тадбиркор томонидан молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаган.

Молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганлиги боис, аризачи — туман давлат солиқ инспекцияси жавобгар — якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1887600 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраб хўжалик судига ариза билан мурожаат қилган.

### Аризачининг важлари

2012 йил 19 июнда ўтказилган текширишда якка тартибдаги тадбиркор томонидан назорат-касса машинаси ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминали ўрнатилмасдан аҳолига пулли хизмат кўрсатиб келинаётганлиги аниқланган. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмида энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда молиявий жарима солиш назарда тутилган.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан туман давлат солиқ инспекциясининг молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарори оқибатсиз қолдирилган ва молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаган. Шунинг учун якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан молиявий санкция қўллаш лозим.

### Жавобгарнинг фикри

Туман давлат солиқ инспекциясининг важларига нисбатан эътироз йўқлиги билдирилиб, хўжалик судидан низони қонуний ҳал қилиш сўралган.

### Суднинг ҳал қилув қарори

Биринчи инстанция суди аризадаги талабнинг асослилиги ишдаги ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топганлигини ҳисобга олиб, туман давлат солиқ инспекциясининг талабини қаноатлантирган ва якка тартибдаги тадбиркорга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1887600 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаган.

### Суднинг ҳал қилув қарорига шарҳ

Хўжалик суди томонидан кўрилган мазкур ишда низонинг моҳиятини аниқлашда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш муҳимдир:

мамлакатимизда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларининг қўлланилиши, улар билан жиҳозлаш ҳамда аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2011 йил 17 ноябрдаги "Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4(60)-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низом, 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 20 июндаги 18/1, 2009-20-сонли қарори билан тасдиқланган "Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 72-моддасининг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида накд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналари мажбурий қўлланилган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилган.

Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширадиган чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўлов терминали мажбурий ўрнатилиши лозим.

Фискал хотирали назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларининг қўлланилиши тартибига риоя этилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркор хўжалик юритувчи субъект сифатида қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этмасдан, фискал хотирали назорат-касса машинасини ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлса-да, уларни ўрнатмасдан савдони амалга оширган ва хизмат кўрсатиб келган. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида хўжалик юритувчи субъектлар (юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар)нинг жавобгарлиги белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан (ҳатто ўрнатмасдан) савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида яна содир этилса, у ҳолда энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Ушбу ҳолатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2010 йил 18 июндаги "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 210-сонли қарорининг 40-бандида ҳам таъкидланган.

Шундай экан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлганда уларни ўрнатмасдан туриб савдони амалга оширмаслик ва хизматлар кўрсатмаслик лозим. Ушбу қонун талабига риоя этмаслик хўжалик юритувчи субъектларга молиявий жарима жазоси қўлланилишига олиб келади.

Қайд этилганларга кўра, хўжалик суди назорат қилувчи органнинг талабини қаноатлантирган ва якка тартибдаги тадбиркорга энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари — 1887600 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаган.

---

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 20 йил тўлди**

# Инсон қалбининг гавҳари

## маънавий қадриятлар ва умумэътироф этилган тамойиллар

**ОИЛА АЗИЗ ва муқаддас гўша. Юртбошимиз бежиз 21 ёшга қадам қўяётган мустақил юртимизнинг икки йилини "Оила йили" деб аташга таклиф киритмадилар. Зеро, бу номда мушоҳадага муносиб теран маъно, чуқур фалсафа, улкан тажриба, тарбиявий мафкура мужассамдир.**



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ таърифлаганидек, **"Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократия негизлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир".**

Ватанимиз Конституциясида оилага алоҳида боб ажратилган. Унда оиланинг ижтимоий мақоми тўлалигича талқин этилади. Конституция асосида Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа оила билан боғлиқ 50 га яқин қонун, Президентимизнинг 20 га яқин Фармон, Қарор ва Фармойиши, ҳукуматнинг 70 дан ортиқ қарор ва фармойиши қабул қилиниб, бу борада тегишли ва мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Ортда қолган "Мустаҳкам оила йили"да оила инстутини мустаҳкамлаш, янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларида бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, улардан туғилажак зурриёдларни жисмонан соғлом, ақлан етук қилиб дунёга келтириш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Зеро, мустақил Ўзбекистонимизда инсон манфаатлари энг улуғ қадрият, оила мустаҳкамлиги ва фаровонлиги олий мақсад саналади.

Маълумки, оиланинг асосий таркиби ота-оналар ва болалардан иборат. Улар давлатда фуқаро, жамиятда шахс деган ҳуқуқий мақомга эга. Ҳар бир фуқаро ва шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза қилинади. Уларнинг оиладаги ҳуқуқий ҳолати ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Оила — бу яшаш муҳити, ўзаро мураккаб муносабатлар мажмуи, ҳар бир инсон шаклланадиган макон.

Ҳозирги давр, барча соҳадаги каби оила масаласини, хусусан эр билан хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, фарзандлар тарбияси сингари манфаатларни тўғри ва ижобий ҳал этишни кўндаланг қўймоқда.

Биз барпо этаётган фуқаролик жамияти бунёдкорлари ҳар томонлама етук бўлиши билан бирга юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши керак. Бунинг учун эса, аввавламбор, илк тушунчалар шаклланадиган, дунёқараш теранлашадиган муҳит — оилага эътибор қаратиш лозим. Чунки оила — ҳуқуқий маданиятнинг дебочалари шаклланадиган дастлабки ижтимоий институтдир.

Оиланинг афзалликлари хусусида сўзлай туриб, дилни ранжитувчи ҳодиса — оилавий ажралишлар ҳам рўй бераётганини таҳлил этиш жоиз.

Никоҳдан ажралишларнинг сабаблари таҳлили шуни кўрсатадики, ўзаро келишмаслик, аёлларнинг бозорга чиқиб кетиши, эркакларнинг ишламаслиги, рашк, хиёнат ва ҳоказо. Аксарият оилаларда ажралиш ҳолатини 18 дан 30 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади.

Ҳуда-беҳудага оилани барбод этиш, албатта, болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Боланинг уволи тутади, дейишади қариялар. Дарҳақиқат, увол-савобни билмайдиган, норасидаларнинг етим қолишини ўйламайдиган ота-оналар орамизда бор. Бу уларнинг етарли ҳуқуқий билимга эга эмасликлари, ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пастлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам улар ажралиш ҳолати қандай оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайдилар. Ажралиш туфайли тўла шаклланмаган оила вужудга келади. Айни кунда ижтимоий хавфли қилмишлар содир этаётган аёллар ва вояга етмаганлар шундай оилаларга мансублиги кузатилмоқда.

Мустаҳкам оила — нафақат ота-она ва бола орасидаги бирлик, балки Ўзбекистон миқёсида яқин қариндошлар, оға-инилар, яқинлар, ҳатто маҳалла, туман, вилоят, республика аҳолисининг ғоявий бирлиги, десак хато бўлмайди. "Бир болага етти қўшни ота-она" деган ҳикматнинг замонавий талқини шундай.

Инсоннинг жисми ва тафаккурини заҳарлаётган наркотик, психотроп моддаларни истеъмол қиладиган, гиёҳвандликка дучор бўлган, оқибатда миллий генофондга путур етказадиганларнинг оз бўлсада, учраб туриши жуда ташвишли ҳол. Ахир, маст қилувчи ичимликлар ичиб, тамаки чекишни ўзига одат қилиб олаётган ёшлар тақдирига бефарқ қараш мумкинми? Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ туфайли туғма ногирон гўдаклар дунёга келаётгани аянчли эмасми?

Глобаллашув жараёнида "оммавий маданият" кўринишида четдан мустақиллигимиз, миллий менталитетимиз ва қадриятларимиз ривожига рахна солувчи турли кўринишдаги маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг мамлакатимизга кириб келаётганлиги ёшлар онгу шуурига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оилавий ҳаёт ҳақида зарур ахборотга эга эмаслиги айрим ёш оилаларнинг арзимас сабаблар билан бузилишига ва ажралишига олиб келмоқда.

Гап оила ҳақида кетаётганлиги учун айрим ҳаётий мисолларни келтириш мумкин. 2005 йилда Европа давлатларидан бирида, эр ёки хотиннинг хиёнати оилани бузишга сабаб бўла олмайди, деган мазмунни англатувчи қонун қабул қилинди. Албатта, бу уларнинг ички иши, аммо бу қонун интернет каналлари, Ғарб оммавий ахборот воситалари орқали бутун дунёга демократия намунаси, шахс эркинлиги йўлида қўйилган дадил қадам сифатида тарғиб қилина бошланди ва бу халқаро маънавий муаммолардан бирига айланди. Аммо, ишончимиз комилки, Ўзбекистон халқи бундай тарғиботлар фарзандлар онгидан жой олишига ҳеч қачон йўл бермайди. Сабаби, эр ёки хотин хиёнатига бизнинг шарқона тарбиямизда оилаларни беобрў, бебурд этадиган ҳолат сифатида қаралган, шундай бўлиб қолади.

Яна бир ташвишли ҳодиса. Дастлаб Данияда бир жинсли никоҳга рухсат берилди, кейинчалик Голландия, Англия, Швеция ва бошқа давлатларда бу турдаги никоҳлар расман тан олинди.

Россияда демографик таназзулнинг олдини олиш учун туғишни рағбатлантиришга катта маблағлар сарфланганига қарамай, вазият ўзгармади ва шу боис, энг аввало, одамларнинг маънавий дунёсини бойитиш зарурлиги ҳақида фикрлар ўртага ташланмоқда.

Биз ҳам тараққиёт йўлидан дадил одимлаяпмиз, бироқ миллатимиз бундай ҳолатларни ҳеч қачон қабул қилмайди. Биз миллий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати ва фуқаролик жамияти институтлари тажрибасидан омилкорлик билан фойдаланишимиз зарур. Ота-она ва фарзанд муносабатлари юртимизда алоҳида ўрин тутади. Бу — ўзбек оиласининг энг бебаҳо сифати, фазилати. Ота-онанинг фарзандлар тақдири учун масъулияти, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари ҳеч бир халқда бу қадар теран тартибга эга эмас.

Оила қуриш фақат икки ёш ўртасидаги муносабат эмас, балки бу жамият ҳаётига бевосита ва билвосита алоқадордир. Шундай экан, санаб ўтилган муаммоларнинг олдини олиш нафақат давлат ва жамият, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифаси эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

Бунинг учун эса республикамиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотлари, зиёлилар "бир ёқадан бош чиқариб" тарғибот-ташвиқот ишларини маҳаллаларда, таълим масканларида аҳоли ўртасида доимий равишда олиб боришимиз ва бунда, албатта, ота-оналар билан бирга ёшларнинг ҳам иштирокини тўла таъминлашимиз, уларнинг фаоллигини оширишимиз зарурлигини бугунги давр тақозо этмоқда.

**Президентимиз айтганидек, "Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас".**

Шу маънода, оиланинг мустаҳкам бўлишида ҳуқуқий тарбиянинг аҳамиятини таъкидлаб ўтиш жуда ўринлидир. Бинобарин, фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятларини билса ва тўғри англаса, баҳоласа, ўзининг амалий фаолиятида улардан фойдаланса, бу унга кўп томонлама манфаат келтиради. Бу борада ота-оналар, айниқса, ёш оилалар ўртасида ҳуқуқий саводхонлик бўйича жонли мулоқотларни кўпайтириш, оилаларга беғараз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки, оила тақдири жамият тақдири билан уйғунлашиб кетган. Бу эса доимий эътиборни тақозо этади.

**Гулнора ИНОМЖОНОВА,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази доценти, юридик фанлар номзоди**

---

**Фармон ва ижро**

# Суд тизими

## ходимларининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилди

**ИСТИҚЛОЛ йилларида қабул қилинган қонунлар, хусусан, "Судлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши принципини амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни мустақил институтга айлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилди.**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2012 йил 2 августда қабул қилинган **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармон суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда яна бир муҳим қадам бўлди, десак хато бўлмайди.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши судьяларга ва суд тизими ходимларига янада кўпроқ имкониятлар, имтиёз ва преференцияларни тақдим этди. Хусусан, 2012 йил 1 августдан бошлаб Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари тасдиқланди.

Шу билан бирга, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига янги ойлик устама ҳақ миқдори тасдиқланди. Шунингдек, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинди.

Шунингдек, Фармонда судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари беришни ҳамда тураржойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутувчи имтиёзлар берилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш ҳамда судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш масалалари белгилаб қўйилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб бир қатор вазирлик ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тегишли хулоса бериш учун тақдим этилди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги **"Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажаради. Мазкур қарорда компьютерлаштириш даражаси ҳамда компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид ахборот — коммуникация технологияларини судлар фаолиятига жорий этиш масалалар, шу билан бирга, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, қоғозсиз иш юритишга ўтишни назарда тутувчи электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш, ахборот тизими ва ресурсларини яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун интерактив хизматларнинг сифатини яхшилаш ва рўйхатларни кенгайтириш масалалари назарда тутилган.

Бундан ташқари, ушбу қарор судьялар ва суд ходимларининг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини иш фаолиятида фойдаланиш бўйича билим ва малакасини ошириш масалаларини ўз ичига олади.

Бинобарин, Олий суд томонидан Президентимизнинг **"Умумий юрисдикция судларининг тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"**ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа умумий юрисдикция судларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Лойиҳада фуқаролик ишлари бўйича судларнинг тузилмасига ўзгартириш киритиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан, янги ташкил этилаётган судларни ускуналар, автотранспорт, мебель жиҳозлари ва замонавий техника билан таъминлаш масалалари назарда тутилган.

Олий суд томонидан юқоридаги Фармон ижроси юзасидан ишлаб чиқилган яна бир лойиҳа бу — "Суд органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги" қонун лойиҳасидир. Лойиҳада судьялик лавозимига номзодларнинг ёш цензини узайтириш, яъни 30 ёшга тўлган, 5 йил юридик ихтисослиги бўйича иш стажига эга бўлган шахслар судьялик лавозимига тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган. Шунингдек, лойиҳа судьяларни даромад солиғидан озод қилиш, уларнинг лавозимдан озод қилингандан кейин шахсий дахлсизлиги сақланиб қолиши масалаларини, бундан ташқари, судьяларга ва уларнинг оила аъзоларига бепул тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини бериш ҳамда лавозимидан озод қилингандан кейин ҳам ушбу ҳуқуқнинг сақланиб қолиши масалаларини назарда тутади. Мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, бевосита Адлия вазирлиги томонидан юқоридаги Фармондан келиб чиқиб, **"Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Президентимизнинг **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони мамлакатимизда судлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича жиддий қадамдир ва бу амалий ўзгаришларнинг асоси бўлиб қолади.

Олиб борилаётган шу каби ислоҳотлар мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг муваффақиятини таъминлайди, десак хато қилмаймиз.

**Даврон ҚАЛАНДАРОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

## Гиёҳвандлик — аср вабоси

# Наркотрафик

### ва унга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорлик

**БУГУНГИ КУНДА наркотик моддалар ноқонуний муомаласининг олдини олиш ва унга қарши курашиш муаммоси нафақат республикамиз ёки Марказий Осиё, балки бутун дунёда кенг жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда.**

АЙНИ ПАЙТДА, наркотрафикка қарши кураш соҳасида Марказий Осиёда ўзига хос кўплаб институционал ва ҳуқуқий асослар шаклланиб бўлганлигига қарамасдан, Афғонистон Ислом Республикасида тайёрланган наркотикларни хорижга экспорт қилиш, минтақа давлатлари ҳудудидан халқаро транзит коридори сифатида фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (НЖБ) маълумотларига кўра, Марказий Осиёда нарковазиятга салбий таъсир кўрсатаётган асосий омил Афғонистонда опий ва героин гиёҳванд моддалари ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб боришидир.

Халқаро экспертларнинг маълумотларида қайд этилишича, 2011 йил Афғонистонда опий экин майдонларининг умумий сатҳи 131000 (2010 йилда 123000) гектарни ташкил этган. Бу оғуни етиштираётган қабиҳ кимсаларнинг олаётган даромади ҳам 2010 йилга нисбатан 18 фоизга кўпайиб, гектарига 10 минг АҚШ долларини ташкил этган. Шу аснода, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан таққослаганда, масалан, буғдой етиштиришга нисбатан 11 баробар кўпроқ фойда кўрилган.

БМТ НЖБ маълумотларига кўра, Афғонистонда опий моддасини ишлаб чиқариш 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 61 фоизга кўпайиб, 5800 (2010 йилда 3600 т) тоннага етган, ушбу кўрсаткич дунёда етиштирилган наркотик воситаларнинг 82 фоизини (2010 йил 74 фоиз) ташкил этади. Шунингдек, наркотик моддаларни етиштираётган музофотлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Хусусан, Марказий Осиё давлатлари чегараларига яқин бўлган Фарёб, Бағлон ва Бадахшонда мазкур ҳолат яққол кўзга ташланади. Мазкур музофотларда 2011 йилда опий етиштирилган майдонлар ҳажми 2010 йилга нисбатан 917 гектарга кўпайган.

2011 йилда опий туркумига кирувчи наркотик моддалар экспорт қилинишидан олинган даромад 79 фоизга ошиб, 2,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу Афғонистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг 16 фоизи (2010 йилда 11 фоиз)га тенгдир. Шунингдек, йилига "Шимолий йўналиш" орқали 95 тонна атрофида героин ва 120-130 тонна опий ташиб ўтилмоқда.

Бу каби муаммолар, ўз навбатида, наркотрафикка қарши курашишда халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳадаги мавжуд муаммолар прогнозини ишлаб чиқиш, уларнинг ечимини топишни тақозо этади.

Бу борада Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази (CARICC) самарали фаолият олиб бормоқда. Бу ташкилот ўз мақомига кўра, трансмиллий наркожиноятчиликка қарши курашда аъзо давлатлар — (Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ва Россия Федерацияси) ваколатли органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи минтақавий давлатлараро орган ҳисобланади.

Хусусан, 2002 йил октябрда БМТнинг ўша пайтдаги Бош котиби К.Аннаннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида республика раҳбариятининг ушбу Марказни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси Бош котиб томонидан қўллаб-қувватланган. Бундан келиб чиқиб, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан CARICCни ташкил этиш бўйича 2006 йилда тегишли лойиҳа ишлаб чиқилган.

Шунингдек, 2009 йил 22 мартдан кучга кирган "CARICCни тузиш ҳақида"ги Битим (мазкур Битим муқаддима ва 28 моддадан, Марказ тўғрисидаги Низом, шунингдек, Низомга иловадан иборат) барча аъзо давлатлар президентлари томонидан имзоланган ва парламентлари томонидан ратификация қилинган.

Айни пайтда CARICCда Австрия, Афғонистон, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Покистон, Туркия, Франция, Финляндия, Хитой, Украина, Руминия каби давлатлар ҳамда Интерпол ва Жануби-Шарқий Европада трансчегаравий жиноятчиликка қарши ҳамкорликда кураш бўйича минтақавий марказ (SELEC) кузатувчи ҳисобланади. UNODC, Халқаро божхона ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, МДҲнинг аксилтеррор маркази ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий аксилтеррор тузилмалари (ШҲТ МАТТ) ҳамкор мақомидаги ташкилотлардир.

Ташкилот бюджети UNODCнинг лойиҳаси сифатида 2012 йил июнь ойи ҳолатига кўра, 15.4 миллион АҚШ долларини ташкил этган. CARICC мунтазам равишда наркотик воситалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши қатор операциялар ўтказади.

Умуман олганда, бугунги кунда CARICC нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки халқаро миқёсда ташкилотга аъзо давлатлар ва халқаро ташкилотлар ваколатли органларининг ҳамкорликда наркотик воситалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашмоқда. Бу халқаро ташкилот тезкор маълумотлар алмашиш, таҳлил қилиш ва сақлаш, шунингдек, трансмиллий наркогуруҳларнинг жиноий фаолиятига чек қўйиш бўйича ҳамкорликда тезкор-қидирув тадбирларни ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва самарали амалга ошириш бўйича ўз фаолиятини ривожлантириб бормоқда.

**Баҳодир МАМАТОВ,**
**тадқиқотчи**

---

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Беруний туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Бухоро вилояти**
Пешку туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Вобкент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Жиззах вилояти**
Жиззах шаҳар 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилояти**
Ғузор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Навоий вилояти**
Кармана туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Наманган вилояти**
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Поп туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Самарқанд вилояти**
Окдарё туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ургут туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Сурхондарё вилояти**
Қизириқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Фарғона вилояти**
Тошлоқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Хоразм вилояти**
Шовот туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент вилояти**
Зангиота туман 14-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент шаҳри**
Шайхонтоҳур туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бектемир туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Яккасарой туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Тўрткўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Элликқалъа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Андижон вилояти**
Жалақудуқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Бухоро вилояти**
Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қоракўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Когон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Жиззах вилояти**
Янгиобод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилояти**
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Навоий вилояти**
Хатирчи туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Самарқанд вилояти**
Пахтачи туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Фарғона вилояти**
Риштон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ёзёвон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент вилояти**
Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бўка туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Оҳангарон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чирчиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 7 февраль)**

**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

---

Хоразм вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 18 декабрдаги 177-умсонли буйруғига асосан "Тилла ўғли Радж" адвокатлик бюроси адвокати Бобониёзов Ражабга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 10 июнда HZ 000013 рақам билан берилган адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат мақоми суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёки реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар тўхтатилди.

---

## Хориж тажрибаси

# Коррупция хавфи

### терроризм, наркотрафик ва одам савдосидан сира қолишмайди

**ДУНЁ мамлакатларида коррупция давлат ва жамият тараққиётига таҳдид солувчи хавф деб баҳоланиб, унга қарши курашиш долзарб масала ҳисобланади. Эндиликда халқаро муносабатларда ҳам коррупцион ҳолатлар кузатилмоқда, шу боис унга қарши курашиш жаҳонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.**

ЎТКАЗИЛГАН таҳлиллар чоғида коррупцияга қарши курашда Америка Қўшма Штатлари, Канада, Хитой, Жанубий Корея давлатларининг эътиборга лойиқ амалиётларини ўрганишга муваффақ бўлдик.

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)да 1978 йилда қабул қилинган "АҚШ давлат хизматчиларининг ахлоқи тўғрисида"ги юридик ҳужжатга асосан ҳар бир раҳбар мансабдор шахслар тўғрисида юқори инстанцияга қуйидаги ахборотларни беришга мажбурдир: тижорат ташкилотлари, хизматчиларнинг яқинлари, хотини, эри, ёш болалари ва бошқа оила аъзолари рўйхати, юқорида кўрсатилган шахсларнинг кредиторлари ва кўчмас мулклари рўйхати, молиявий манфаатдор бўлган тадбиркорлик объектлари. Американинг айрим қонунчилигида ким (совға берувчи) томонидан, кимга (хизматчига) ва нима совға бериш мумкинлиги юридик жиҳатдан белгиланган бўлиб, совға берувчи томонидан бир неча совға берилган вақтда ҳам унинг суммаси 20 доллардан ошмаслиги, совғанинг умумий миқдори йилига 50 доллардан ошмаслиги белгиланган. Айтиш жоизки, хизматчини хизмат хонасида тақдирлаш тақиқланади. Давлат хизматчиси болаларининг тўйи ва туғилган кунларида, касал бўлган даврида тақдирланиши мумкин, бунда ҳадя қиймати 10 доллардан ошмаслиги шарт.

Канаданинг амалдаги қонунчилигига янги лавозимга қабул қилинган, бошқа лавозимга ўтказилган давлат хизматчисига 30 кун ичида барча мол-мулки, эри ёки хотини ва бошқа яқинларининг мол-мулки ҳамда даромадлари тўғрисида ахборот бериш мажбурияти юклатилган.

Хитой жиноят қонунчилигида ҳам коррупциянинг аниқ шакллари белгилаб олинди, ҳозирда 10 дан ортиқ жиноят коррупцион ҳаракат деб тан олинган. Хитой қонунчилигига кўра, порахўрлик билан боғлиқ жиноят бўлиши учун пора олишда 450 евро, уни беришда 2 баробар кўп бўлиши лозимлиги қайд этилган. Шунингдек, Хитойда жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш ҳам коррупция саналади. 2005 йил бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида қонун қабул қилинди. Статистик маълумотларга қараганда, ҳар йили 24



миллиард доллардан ортиқ жиноий даромадлар легаллаштирилмоқда. "Коррупция ва порахўрлик тўғрисида ахборот берувчи Марказ" томонидан аниқланган коррупцион ҳаракатлар 80 фоизни ташкил этмоқда.

Жаҳон бўйича коррупцияга қарши курашда ижобий натижаларга эришаётган кўпгина мамлакатлар амалиётида тегишли стратегик дастурлар ва қонунлар қабул қилинган, назоратни кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши курашувчи ташкилотлар ва ушбу жараённи мувофиқлаштирувчи комиссиялар тузилган.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашишда муваффақиятларга эришган Финляндия, Дания, Янги Зеландия, Исландия, Сингапур, Швеция, Канада, Нидерландия, Люксембург, Норвегия, Австралия, Швейцария, Гонконг, Исроил, Чили, Ирландия, Германия, Япония давлатлари алоҳида эътиборга лойиқ. Нидерландия, Швеция ва Дания каби давлатларда қуйи коррупция амалда истисно этилиб, аҳолининг ижтимоий онгида давлат хизматчиси давлат сиёсатини олиб бориш ва аҳолига хизматлар кўрсатишдан иборат вазифаларни амалга оширувчи одам деб эътироф этилади. Унинг асосий вазифаси — аниқ бир шахсга эмас, балки давлатга ўз содиқлигини сақлашидир.

Албатта, республикамизда ҳам коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён келгусида ҳам изчил давом этади.

**Фаррух ФОЗИЛОВ,**
**тадқиқотчи**


АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ
"ЖАЛАҚУДУҚ ҲАМКОРТРАНС"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*келажакка ёруғ юз билан интилаётган юртдошларимизни*
*янги — 2013 йил билан самимий муборакбод этади!*
*Янги йил ҳар биримизнинг ҳаётимизда ёрқин из қолдирсин.*

XALQ BANKI

жамоаси барча ҳамюртларимизни

*2013 йил —*
*«Обод турмуш йили»*

билан сидқидилдан муборакбод этади!
Янги йилда Сизларга
сиҳат-саломатлик, тинчлик ва улкан
муваффақиятлар тилаймиз!



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

ОАТБ "АГРОБАНК"НИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*азиз ватандошларимизни 2013 йил — "Обод турмуш йили"*
*билан самимий қутлайди!*
*Янги йил озод ва ҳур диёримизга, шу юртда яшаётган ҳар*
*бир ватандошимиз хонадонига тинчлик, хотиржамлик,*
*бахт-саодат ва файзу барака олиб келсин.*

## “КАРМЕНТА ЯН ТЕКС” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*эзгулик йўлида хизмат қилаётган Ўзбекистон халқини дунё аҳлининг қувончли байрами бўлмиш Янги йил билан самимий қутлайди. Ҳурматли ватандошлар, азиз касбдошлар, хонадонингиздан файзу барака аримасин! Мамлакатимиз равнақи йўлининг гарови бўлган тинчлигимиз абадий бўлсин! Истиқлолимиз қуёши порлоқ, Ўзбекистон нуфузи янада баланд, юртимиз обод бўлиб, унинг жамолига ҳеч қачон кўз тегмасин.*

## “ГУЛ РЕН ТЕКС” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Сиз азизларни ва юртимиз меҳмонларини Ватанимизда кенг нишонланган сана — Конституциямизнинг 20 йиллиги ҳамда кириб келган Янги йил билан самимий муборакбод этади! Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди. Юртимизда ҳукм сураётган ҳурлик нашидаси ҳамиша барқарор ва бардавом, Конституциямизда мукаммал ўз аксини топган озодлигимиз ва эркинлигимиз абадий, турмушимиз обод, Янги йилимиз эса қутлуғ бўлсин!*



## “ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ” ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

**азиз ватандошларимизни, ўз касбдошларини ва юртимиз меҳмонларини Янги — 2013 йил билан самимий муборакбод этади! Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди. Ўлкамиз янада обод, осмонимиз мусаффо, тинчлигимиз барқарор бўлсин!**

Реклама ва эълонлар


## Ҳурматли юртдошлар!

# “Асака” банки (ОАЖ)

**жамоаси барча юртдошларимизни янги — 2013 йил билан самимий муборакбод этади ва қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:**

## “ЯНГИ ЙИЛ 2013»

***Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.***

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| *Тошкент шаҳар филиали* | 371 | 120-83-13 |
| *Автотранспорт филиали* | 371 | 120-39-95 |
| *Шайхонтохур филиали* | 371 | 140-39-36 |
| *Юнусобод филиали* | 371 | 221-80-67 |
| *Сирғали филиали* | 371 | 258-67-49 |
| *Тошкент вилояти филиали* | 371 | 120-84-13 |
| *Андижон вилояти филиали* | 374 | 224-40-96 |
| *Асака филиали* | 374 | 233-13-69 |
| *Фарҳод филиали* | 374 | 226-97-53 |
| *Фарғона вилояти филиали* | 373 | 224-70-83 |
| *Марғилон филиали* | 373 | 237-12-37 |
| *Олтиариқ филиали* | 373 | 432-10-11 |
| *Қўқон филиали* | 373 | 552-61-04 |
| *Наманган вилояти филиали* | 369 | 226-94-75 |
| *Навоий вилояти филиали* | 436 | 223-54-32 |
| *Зарафшон филиали* | 436 | 573-18-78 |
| *Бухоро вилояти филиали* | 365 | 223-71-94 |
| *Бухоро шаҳар филиали* | 365 | 770-11-27 |
| *Самарқанд вилояти филиали* | 366 | 231-08-86 |
| *Афросиёб филиали* | 366 | 221-77-56 |
| *Қашқадарё вилояти филиали* | 375 | 221-12-93 |
| *Сурхондарё вилояти филиали* | 376 | 770-82-12 |
| *Қорақалпоғистон филиали* | 361 | 770-60-59 |
| *Хоразм вилояти филиали* | 362 | 226-97-78 |
| *Сирдарё вилояти филиали* | 367 | 225-44-03 |
| *Жиззах вилояти филиали* | 372 | 226-43-11 |

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун:**
**“Асака” банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари:**
**120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**



***“Асака” банки (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.***
***Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

**Сизнинг омонатларингиз:**
- *соликлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.


Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 19 декабрдаги 124-ум-сонли буйруғига асосан "Сурхон Баркамол Имкон" адвокатлик ҳайъати адвокати Джанаев Сайдулла Кулкараевичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2012 йилнинг 17 декабрь кунидан тикланди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 21 декабрдаги 217-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "ШОХРУХ" адвокатлик фирмасининг адвокати Жалилов Шокир Рахимкулович номига 2009 йил 8 июнь куни берилган SA 000042-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2012 йил 23 декабрдаги 174-ум-сонли буйруғига асосан "KUSH ADILLIKTE" адвокатлик бюросининг адвокати Давкараева Арзийым Абатовнага Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 сентябрда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунга қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган даврга тўхтатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2012 йил 29 декабрдаги 176-ум-сонли буйруғига асосан "NIZAM USTINLIGI" адвокатлар ҳайъати адвокати Каипназаров Осербай Султамуратовичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва адвокатлик статусининг амал қилиши тикланди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 24 декабрдаги 84-А-ум сонли буйруғи билан "MUKARRAM & MUAZZAM" адвокатлик бюросининг адвокати Искандаров Собиржон Юсупович вафот этганлиги сабабли, унга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 12 февралда TS 000313-сонли адвокатлик мақомини олиш ҳуқуқи билан берилган лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 19 декабрдаги 242-ум-сонли буйруғи билан адвокат Самадова Нодира Анваровнанинг "Адвокат" адвокатлик фирмаси таъсисчилари таркибидан чиқиши муносабати билан унинг бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга адвокатлик мақоми тўхтатилди.

* * *

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 19 декабрдаги 243-ум-сонли буйруғи билан адвокат Эльбеков Отабек Вафоевичнинг "Бухоро" адвокатлар ҳайъати аъзолари таркибидан чиқиши муносабати билан унинг бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 19 декабрдаги 126-ум-сонли буйруғига асосан Абдуллаев Алишер Амировичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақоми тугатилди.


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Раҳимбекова Дилфуза Барпибоевна

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-6129. Тиражи — 21565.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5